# ТАБИАТ ва ИНСОН

№ 61



**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси**

*Тошкент кундан-кунга, йилдан-йилга яхшиланиб, янгиланиб бормоқда. Айниқса бу ўзгаришлар мустақиллигимизнинг беш йиллиги тантаналарида яққол кўзга ташланди.*

Шаҳримиз — фахримиз

## ОЗОДА, КЎРКАМ БЎЛСИН

Биридан-бири гўзал бинолар, хиёбонлар, кенг ва равон кўчалар шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшди. Буларнинг барчаси қувончимизга қувонч қўшади. Дилимизда севинч туйғуларини уйғотади...

Куз одатда олтин деган сифатлаш билан ардоқланади. Лекин бу тилло ранг фасл Тошкентимизга қувонч билан бирга озмунча ташвиш ҳам олиб келмайди. Кўчада, ариқда уюлиб ётган хазонларни кўрган кишининг таъби хира бўлиши турган гап. «Инсофли» одамлар уни ёқиб юборсалар, баъзи бирлари эса хазонлар хирмонининг баланд бўлиб уюлишига катта ҳисса қўшадилар.

Шаҳримизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш бўйича икки ойлик давом этмоқда. Шу муносабат билан назоратчиларимиз туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда шаҳримизнинг ҳар бир туманида бўлиб, у ердаги санитария аҳволини кўздан кечирдилар. Ушбу ўзига хос рейд бизни қувонтиргани йўқ. Тўғри, барча серқатнов кўчалар юзида тартиб, озодагарчилик мавжуд. Лекин даҳаларнинг ичида, маҳаллаларда тамоман бошқача манзарага дуч келдик. Уюм-уюм ахлатлар, хазонлар, дарахтларнинг буталган шохлари киши кўзига жуда хунук кўринар экан.

Юнусобод туманини кўздан кечирганимизда бетон ариқлардаги жамики чиқиндилар тозаланаётганига гувоҳ бўлдик. Худди шундай йўлкалар ҳам топтоза эди. Шунга қарамасдан 98-мактаб атрофида иккита катта чиқинди уюмини кўрдик. Чиқиндилар тутарди. Чиқинди соладиган темир қутилар эса тўнтарилганча ётарди. Бу ерда япроқлар беармон ёқилгани кўриниб турарди. Худди шундай «ТошГРЭСқурилиш»га қарашли 2-болалар боғчаси, Темур Малик кўчасида жойлашган 6-ошхонадаги аҳвол мактабдагидан яхши эмасди. Болалар боғчаси мудираси Галина Митина 600 сўм, ошхонанинг ошпази 300 сўм жаримага тортилди.

Навоий кўчасидаги ярмарка дўконлари орқасида ташландиқ қурилиш ҳандаги борлиги аниқланди. Ҳозир шу ҳандаққа яқин атрофдаги дўконлар, бузилган бинолар ўзларининг чиқиндиларини ташлаб тўлдирмоқдалар. Ҳандақ ҳамда унинг атрофидаги ер ихтиёрсиз суратда ахлатхонага айланган. Бу ердан ҳамма нарсани — маиший, савдо чиқиндиларини топиш мумкин. Бу ерда айниқса, жуда ҳам кўплаб хазонлар тўпланиб қолган. Айрим ҳолларда тутаб-тутаб барчанинг жонига тегади.

Сергели туманида ҳам суғориш ариқларини, марказий кўчаларни тозалаш кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Лекин шох-шаббаларни, хазонларни ахлатхонага олиб бориб ёқиш ҳоллари ҳали ҳам давом этмоқда. «Сергели-2» даҳасида уч жойда уюлиб ётган саноат чиқиндиларини кўрдик. Биронта одам шу ер ахлат ташлайдиган жойми деб ўйлаётганига ишонгимиз келмайди.

5-уйдаги майдончада иккита ахлат ташлайдиган катта темир қути ўрнатилган. Улар биз текширув ўтказган пайтда бўм-бўш эди. Лекин яқин жойда чиқиндилар сероб эди: маиший дейсизми, қурилиш дейсизми, шох-шабба дейсизми, синган идиш-товоқлар дейсизми, бўшаган бўёқ идишлари дейсизми, пўчоқлар дейсизми, барча-барчаси бисёр эди. Булар хунук манзара кашф этиши билан бирга атрофга юқумли касаллик тарқатиши ҳам мумкин эди.

Пайдо бўлган ахлат уюмлари одамларимизнинг лоқайдлигидан, бепарволигидан, яна ҳам тўғрироғи ўзи яшаб турган жойларни яхши кўрмаслигидан деб ўйлаймиз.

Биз туманларни айланганда шундай манзараларга кўп марта дуч келдик. Тегишли чоралар кўрдик. Маслаҳатлар бердик. Текширув давомида кўпгина жойлардаги ахлат уюмлари йўқотилди.

Шаҳримизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, унинг санитария ҳолатини яхшилаш икки ойлиги давом этмоқда. Биз икки ой эмас, ўн икки ой — йил бўйи шаҳримизнинг озода, кўркам бўлишига қайғуришимиз керак.

*Дилдора СУЛТОНОВА,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси.*

Сўлим гўшалар

## БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ЖОЙИ

Буюк шоир Навоий номи билан аталадиган кўчада саф тортган савдо растасининг шундоққина орқасида улкан чархпалак кўзга ташланади. Ўрганмаган одамга у дастлаб ғалати кўринади. Билганларнинг эса юрагига қувонч солиши табиий. Сабаби айнан ўша ерда болажонларимизнинг севимли ўйинхонаси, Оймома боғи жойлашган.

Боғ 1985 йилда ташкил топган. Дастлаб унинг ўрнида Чехословакиянинг «Лунапарк» деб номланган турли-туман аттракционлари жойлашганди. Боғ борган сари гавжумлашиб борди. Турли-туман дарахтлар экилди. Аттракцион майдонлари текисланиб, тартибга келтирилди, асфальтланди. 1988 йилдан эса Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг қарорига биноан мустақил оромгоҳ сифатида иш юрита бошлади.

Бугунга келиб, Оймома боғнинг ҳудуди салкам 3,5 гектарни ташкил этади. У ердаги гулларнинг, буталарнинг санаб адоғига етолмайсиз. Кўм-кўк майсалар кўрган кўзга ором беради.

Оймома боғда ўн хил аттракцион мунтазам ишлаб туради. Ёз ойларида бу ердаги яшилликни кўриб ҳавасингиз келади. У ердан янграб турадиган дилрабо қўшиқлар, куйлар ҳамманинг диққатини ўзига тортиши табиий. Шайхонтоҳур туманига кўрк бериб турган Оймома боққа марҳамат қилинг.

*Ким ФАТТОҲОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси.*

*Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари қанчалар мураккаблашиб бораётгани бугун барчага аён. Дунёнинг барча минтақаларида экологик танглик вужудга келаётганлиги ҳақида ташвишли хабарларни эшитяпмиз.*

Экологик таълим

## БИРИНЧИ ҚАДАМЛАР

Зарарли моддалар билан тўлиб-тошган ҳаво, чиқиндилар билан ифлосланган ер, сув, кўп жойларда умуман яроқсиз ҳолга келиб қолгани ҳам сир эмас. Бунинг устига йил сайин сони ортиб бораётган жаҳон аҳолисини боқиш, кийинтириш, бошпана қуриш учун саноатни, ишлаб чиқаришнинг барча турларини ривожлантириш талаб этилади. Саноат ривожлангани сари чиқиндилар ҳам шунча кўпаяди. Хуллас атроф-муҳитнинг мусаффолиги учун кураш инсониятнинг эртанги соғлом умри учун курашдан иборат бўлиб қолди.

Кейинги пайтларгача экологик таълимга етарли эътибор бермасдан келинди. Ваҳоланки, экологик маданият, бу йўлдаги аниқ мақсадларга йўналтирилган ишлар табиатга, табиий бойликларга ақлидрок билан ёндошиш, уни тежаб-тергаб сарфлашга етарли омил яратган бўлар эди.

Ҳечдан кўра кеч яхши. Ҳозир атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласини болаларга мактаб партасиданоқ сингдириш учун катта ишлар олиб борилмоқда.

Қадимдан халқимиз табиатсевар, озодапарвар халқ саналади. Саҳар туриб эшик таги — хақрағa супуриб-сидирилган, сувлар сепилган. Ҳар бир ҳовлида райҳонлар, қўқонгуллар, атиргуллар барқ уриб очилиб турган. Сувга ифлос нарсалар ташланмаган. Биронта табиатга ҳилоф одатли одам учраб қолса кўпчилик ўртага олиб изза қилган. Токи, бу ишини шу одам қайта такрорламасин. Бўлмаса илгари қўша-қўша мактаблар бўлмаган. Бор бўлса ҳам табиатшунослик дарслари ўқитилмаган. Фақаттина ота-боболаримиз табиат ноз-неъматларини яратувчи она эканлигини яхши билишган, иззат-ҳурматини жойига қўйишган.

Ҳозирги авлод ана ўша ота-боболарнинг расм-русумларини билармикин? Ҳар биримиз ўз фарзандларимизни табиатга муҳаббатли қилиб ўстирсак махсус экологик билимларни беришимиз зарур бўлармиди? Бугун шаҳримиздаги кўпгина мактабларда ана шундай дарслар олиб борилмоқда.

Экологик таълим-тарбия энг аввало ҳар бир одамни оламнинг яратувчиси, унинг бойликларига бойлик қўшувчи фидойи бўлиб етишишига йўналтирилиши керак. Бунинг учун болаларни энг ёшлик пайтиданоқ табиат бағридан ажралмай ўсишини таъминлаш керак. Ана шундагина ҳар бир бола атроф-муҳитга муҳаббат кўзи билан қарайдиган, ҳар бир ўсимликни, ниҳолни, дарахтни авайлайдиган бўлиб улғаяди. Оддийгина уй ҳайвонларини боқиш болаларда раҳмдилликни юзага келтиради. Уни ўраб турган оламга мурувватли муносабатда бўлишига ёрдам беради.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик таълим-тарбиянинг самарали бўлишига ҳар тарафлама эътибор қаратмоқда. Ҳамза туманидаги 255-, Акмал Икромов туманидаги 306- ва Сергели туманидаги 305-мактабларда экологик таълим анчагина яхши йўлга қўйилган. Бу мактабларда қўмитамизнинг масъул ходимлари ҳафта сайин бўлишиб, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказадилар. Болаларни корхоналарга, муассасаларга, шаҳримиздаги энг сўлим гўшаларга экскурсияга олиб борадилар. Гулларни, ниҳолларни парваришлашни ўргатадилар.

Ушбу дарсларнинг самараси чакки бўлаётгани йўқ. Болалар мактабларда, мактабдан ташқари жойларда табиатнинг чинакам ёш посбонларига айланмоқдалар. Ўзлари эккан кўчатларни айланиб-ўргилиб парвариш қилмоқдалар. Бундан анча олдин эса бундай ҳолатларни кузатиш мумкин эмасди.

Ниятимиз шаҳримиздаги барча мактабларда экологик таълим-тарбия дарсларини йўлга қўйишдир. Мана шундагина келгусида она табиатимизнинг чинакам жонкуярлари камолга етади.

*Назира ЁҚУБОВА,*
*Турсун АБДУЛЛАЕВ.*



*Тўда-тўда булутлар тоғ бошини қоплаб олмоқда. Сал вақт ўтади-ю тоғу тошларнинг, қирларнинг, майсаларнинг гардини ювиб шўх ёмғир шивалайди.*



*Мен бу кишини анча олдин кўргандим. Анҳор соҳилидаги қуюқ дарахтзорда табиат гўзалликларига маҳлиё бўлиб турсам, формали бир киши келиб рўпарамда тўхтади.*

Жонкуярларимиз

## БОҒЛАР ОШИҒИ

— Дарахтга суяниб, унинг салқинида туриш қандай яхши-а? — деди у кулимсираб.

— Яхши, — дедим унга бошдан-оёқ разм солиб, — дарахтлар ахир табиатнинг ўпкаси-ку!

— Э, ўлманг! — деди у, — мен ҳам шуни айтаман-да. Шаҳримиз дарахтларга бурканиб, яшнаб турса бунинг нимаси ёмон ахир!

Сўнг куйиб-пишиб дарахтни ўзбошимчалик билан кесганлар ҳақида сўзлаб кетди.

Энди бўлса шу киши ҳақида ёзаяпман. У шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси Ким Фаттоҳов. 1993 йилдан бери кўкаламзорлар ва ҳайвонотларни муҳофаза қилиш бўлимида меҳнат қилади.

Ким Мазидович Фаттоҳов 1967 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг геология-қидирув факультетини тамомлади. Шундан кейин 21 йил давомида Қашқадарё геология-минерология қидирув экспедициясида геологик тасвирга олиш муҳандиси бўлиб ишлади.

— Ўша йиллари, — деб эслайди Ким Фаттоҳов, — бутун умрим табиат қўйнида ўтарди. Айниқса баҳорда қирлар, адирлар, тоғ этаклари, яйловлар бениҳоя кўркам бўлиб кетарди. Осмон тўла паррандалар чуғурлаб қанот қоқишарди. Ерда эса беҳисоб майда жониворлар. Қилаётган ишимиз халқ фаровонлиги учун эди албатта. Лекин энди ўйлаб кўрсам табиатга ўшанда беҳад озор етказган эканмиз.

Саҳарлари соатлаб тоғларга маҳлиё бўлиб ўтирардим. Қишлоқлардаги манзаралар, зилол сувлар, меҳрибон одамлар... Ўшанда англаб етгандим, инсон ва табиат битта, уйғун бўлиши кераклигини. Инсон табиат фарзанди, табиат жаллоди эмас.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ишлар экан Ким Фаттоҳов дарахтлар, яшилликлар, энг аввало соғлиқ, узоқ умр гарови эканлигини барчага баробар уқтирарди. Ҳатто тортишиб бўлса ҳам лоақал бир туп дарахтни омон сақлаб қоларди.

— Ким Фаттоҳов ўз ишини яхши биладиган мутахассислардан, — деб ҳикоя қилади қўмита раиси Юсуф Ражабов. — Назоратчимиз абжир, билимдон, энг муҳими фидойи одам. У бирон корхонага, шахсга бекорга жарима солмайди. Дастлаб қилган иши, яъни дарахтни берухсат кесиши, майсазорларни топташи ва ҳоказолар табиатга қарши қилинган иш эканлигини тушунтиради. То корхона раҳбари ёки табиатга озор етказган киши қилган ишидан пушаймон бўлмагунча «тарбиявий дарс» олиб боради. Айни пайтда қўмитамиз назоратчисининг иши ҳам шундан иборат: ҳам тушунтириш, ҳам жазолаш.

Ким Фаттоҳовнинг хонасига кирганимда хона деворидаги қоғоз халтачаларга солиниб, тартиб билан ёпиштириб қўйилган баргларга, шохчалар, меваларга кўзим тушди.

— Булар нима? — сўрадим, — гербарийми?

— Гербарий деса ҳам бўлади, — тушунтирди Ким Фаттоҳов, — кўпчилиги шаҳримизда ўсадиган дарахтлар намуналари. Баъзилари йўқолиб кетди.

— Бор нарса йўқ бўлади-да, — луқма ташладим.

— Э, йўқ, табиат масаласида бундай бўлиши керак эмас. Йўқ қилиш эмас, кўпайтириш, бойитиш керак. Мана шаҳримиздаги истироҳат боғларини олинг. У ердаги битта дарахт кесилса, ўрни дарров билинади. Сабаби, ҳар битта дарахт, ўсимлик, гул-гиёҳ табиат фарзанди. Фарзанднинг йўқ бўлишини қайси она истайди? Табиат ҳам шундай. Бағрим тўлсин дейди. Ҳувилласин, бўм-бўш бўлсин демайди. Одамлар эса билиб туриб уни пайҳон қилади.

— Шаҳримиздаги боғларни биласизми?

— Беш қўлимдай. Качон биринчи ниҳол экилган, неча хил дов-дарахт бор, майдони қанча — тушимда сўрасангиз ҳам айтиб бераман. Касбимиз шунақа.

— Лекин инсон кўнгли ҳам нозикда.

— Албатта! Шунинг учун назоратчи ўз ишини пухта билиши, билимла қуролланган бўлиши керак. Кимлигидан қатъи назар, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун барчага баробар эканлигини айбдорларга уқтираман, бебошлик, ўзбошимчалик ниmаларга олиб келишини тушунтираман. Жарима тўловчи қилган ишидан хижолат бўлади. Шу одам қайтиб қўмитамиз билан бемаслаҳат иш қилмайди.

Ким Фаттоҳов шаҳримизнинг яшил олами тўғрисидаги қизиқарли мақолалари билан «Оқшом» газеталаримизда ҳам фаол қатнашиб туради. Айниқса шаҳримиз боғлари ҳақидаги туркум мақолалари оқшомхонларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу сафар ҳам хайрлашар экан, Ким Мазидович қўлимга бир варақ қоғоз тутқазди. Қарасам «Оймома боғ» ҳақидаги мақола экан.

«Табиатнинг шундай жонкуярлари кўп бўлса қанийди» деб кўнглимдан ўтказдим.

*Ғолиб МИРЗО.*

*Тошкентни беш йил муқаддам кўрган одам бугун таний олмай қолса ажаб эмас. Чунки мустақиллик, истиқлол туфайли Тошкентимиз тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Хассос шоиримиз Мақсуд Шайхзода ҳаёт бўлганда, янги «Тошкентнома» битиши турган гап эди. Осмонўпар бинолару кенг ва равон кўчалар дунёнинг мана ман деган шаҳарлари билан баҳс бойлашишга тайёр.*

Мулоҳаза

## ҚАНИ ЭНДИ РЎЁБГА ЧИҚСА

Айниқса, янги кўчалар шаҳримиз чиройига ўзгача ҳусн қўшган. Шаҳримизнинг Эски Жўва майдони Ғафур Ғулом метро бекати оралиғида жойлашган боққа Абдулла Қодирий номи берилди. Бу албатта қувончли ҳодиса. Лекин боғни айланган кишининг таассуротлари... Келинг, яхшиси бир бошдан бошлай қолай.

Боғ дарвозаси олдида доимо боғда ишлаш учун таклиф қилувчи эълон осиғлиқ туради. Эълонларнинг аксарияти боғбон кераклиги ҳақида. Боғнинг ичига кирамиз... Ҳувиллаб ётибди. Деярли ҳеч ким йўқ. Кўнгилочар ўйинлар ишламайди. Ёлғон бўлмасин, автодромда иккита бола электр машиналарни миниб ўйнаяпти. Яна ичкарироқ юрамиз. Чойхонада тўрт-беш киши кўзга ташланади. Хайрият, яхшиям палов бор, ошхўрлар бор — чойхона гавжум. Яна бироз юрсангиз боғ тугайди. На девор бор, на чегара.

Бир ҳафта бурун эски «Ғалаба» боғига боргандим. «Кўнгил очиш боғи» деб ном беришибди. Номига яраша куз охири, қиш арафаси бўлса ҳам одам гавжум. Турли аттракционлар ишлаб турибди. Тошкентнинг бошқа боғларида бўлмаган «Дор йўли», «Бумеранг», «Саккиз оёқ», «Африкага сафар» ва ниҳоят «Даҳшат қалъаси».

Икки боғ, икки ҳолат. Эҳтимол, буюк ёзувчимиз номи билан аталувчи боғ маъмурияти ҳам эзгу ниятлар билан яшаётгандирлар.

Ҳар ҳолда боғнинг аҳволи ўтган йили ҳам яхши эмасди, бу йил ҳам ўзгармаган. Халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олган, миллионлаб китобхонларни асир этган Абдулла Қодирий номига қўйилган боғ ҳар томонлама энг кўркам, энг гўзал ва энг гавжум бўлмоғи лозим.

Боғ билан цирк орқасидаги дарахтлар оралиғида катта майдон бир неча йилдан буён бўш ётибди. Агар шу жой ҳам боққа қўшилса, чор тарафига дарвоза қилинса, анча кенгайиши аниқ.

Ўша ерда боғни яшнатиш ҳақидаги айрим фикрлар туғилди. Чунончи, боғнинг келажакдаги ҳолати, жойлашиши бўйича танлов ўтказиш, бу танловга ватанимизнинг энг етук меъморларини, ҳатто чет эллардан мутахассисларни таклиф қилиш, энг яхши лойиҳаларни ажратиб олиш лозим.

Ана шу лойиҳада буюк сўз устасининг улуғвор ҳайкали, шарқона услубдаги дарвозалар, миллий руҳдаги мевазорлар барпо қилинса. Шу билан бирга ҳар бир боғнинг белгиси — улкан чархпалак, осма трамвай ёки дор йўли ташкил этилса. Бошқа боғлардан фарқли ўлароқ манзарали дарахтларгина эмас, кўпроқ мевали дарахтлар айниқса, шафтоли, олма, нок, шунингдек, узум, анжир, анорлар ўстирилса, ўзининг миришкор боғбонлиги билан ном қозонган адибимиз руҳи шод бўлиши аниқ.

Бир пайтлар адибнинг набираси Шеркон Қодирий билан суҳбатимизда ёзувчи уй-музейи Самарқанд дарвозадаги ҳовлида очилса, кўпгина оилаларга малол келишини айтган эди. Музейни шу боғда ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Отабек ёки Анвар номидаги чойхона, Кумуш ёки Раъно номидаги гўзаллик салони ёки бахт уйи, никоҳ тантаналари ўтказиш жойи, Юсуфбек ҳожи номидаги оталар чойхонаси, «Калвак махзум» номли кулгихона, «Тошпўлат тажанг» номли аския, пайров айтиладиган жой, шахмат тахталари бўлса нур устига аъло нур.

Гапирсак гап кўп. Умуман, ҳақиқий миллий боғ, шаҳарликларнинг, меҳмонларнинг қишин-ёзин, кеча-кундуз ташриф буюрадиган кўнгил очиш масканигина эмас, маънавият, маърифат, миллий руҳ, миллий ғурур, фахр боғи бўлиши керак. Албатта, бундай эзгу ишга бутун ватанимиздаги адабиёт ихлосмандларини, қалби сахий ишбилармонларни, чет элдаги тадбиркор ватандошларимизни таклиф этиш зарур.

Адабий кечалар, учрашувлар, шеърхонлик, янги асарлар муҳокамаси шу боғда ўтказилиб турилса, Тошкентга келган ҳар бир меҳмон бир кўрмай, бир кирмай кетса, армон қилса.

Кимдир бу фикрларимга қўшилмас, ҳозирги иқтисодий шароитда кўнгил очиш боғига нима бор, деб. Лекин келажаги буюк давлатнинг пойдевори бугун қурилаётганини, буюк халқ буюк орзу-ниятлар, буюк интилишлар билан яшашини унутмаслигимиз даркор.

Мен бир адабиёт ихлосманди сифатида Абдулла Қодирий боғидан ўта туриб ана шуларни хаёлимдан ўтказдим. Қани эди бу мулоҳазаларим, орзуларим яқин йилларда ҳақиқатга айланса, рўёбга чиқса...

*Мўминжон СУЛАЙМОНОВ.*

Шеърий лаҳзалар

## ЭТАР МАҲЛИЁ

***Она қишлоғим эрур***
***Қизғалдоқ.***
***Доим меҳри ила менга***
***Очар қучоқ.***
***Дарахтлари адл ўсган***
***қоматдор!***
***Она қишлоқ сендек***
***кўркам***
***Қайда бор!***
***Шивирлайди ел эсганда***
***Япроқлар.***
***Ел ҳам ҳатто,***
***гул-гиёҳни***
***Ардоқлар.***
***Юрагимга ёқилгандайин***
***Чироқ***
***Қишлоғимга***
***ташлагайман***
***Мен нигоҳ.***
***Уфқ билан бўй талашар***
***Она Ер.***
***Сўз топилмас бир***
***манзара***
***Келиб кўр.***
***Майин шамол эсар***
***Чотқол***
***томондан***
***Қўй-қўзилар маърашади***
***Ўтлоқда.***
***Биқир-биқир қўшиқ айтиб,***
***Шўх, қувноқ,***
***Қайнаб ётар қишин-ёзин***
***Ойбулоқ.***
***Ҳасанбойнинг ариғидан***
***ичиб сув.***
***Чаман атроф,***
***сўлим гўёки***
***Оққув.***
***Қизғалдоқлар қоплаб***
***дала-қирларни.***
***Селпинишиб ўйнатади***
***дилларни.***
***Қаноти-ла ерни силар***
***Қалдирғоч.***
***Назаримда дер: она ер,***
***Бағринг оч.***
***Бу манзара этар***
***масту***
***Маҳлиё***
***Дилим сайрар худди***
***Булбулигўё:***
***Она қишлоқ ҳар доимо***
***Омон бўл.***
***Яшна, яшна, гуллар***
***каби***
***Осмон бўл!***

***Темур УБАЙДУЛЛО.***

Текширишда аниқланди

## ЖАРИМАНИ ХОҲЛАСАНГИЗ ТЎЛАЙВЕРИНГ

*Ўтган ойда қўмитамиз назоратчилари томонидан 45 марта ҳаво муҳофазаси, 50 марта сув муаммоларига бағишланган текширишлар бўлиб ўтди. Корхоналардаги ҳақиқий аҳвол назардан ўтказилди.*

Олдиндан шуни айтиб ўтишимиз лозимки, барча жарима тўлашга назаримизда олдиндан тайёрланиб қўйганга ўхшарди.

Эътибор беринг-а:

Юнусобод туманидаги «Автойўлмехбаза» директори И. Сиддиқов ўз вақтида чиқинди ва хазонларни олиб кетмагани учун 550 сўм;

40-боғча мудираси Д. Бобохонова саноат, маиший чиқиндиларни ортаётганда табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузгани учун 550 сўм;

Мирзо Улуғбек туманидаги 7-автокорхона бошлиғи Р. Мамажонов ҳудудда ахлат ва баргларни ёққани учун 600 сўм;

«Бешқайрағоч — 2» қозонхонаси устаси Т. Баҳромов қозонхона ҳудудидаги хазонларни тўплаб, ёққани учун 550 сўм;

«Ўзиргидромаш» заводи директор ўринбосари Ю. Свистов завод ҳудудига сочилиб ётган маиший чиқиндиларни бартараф этишга етарли эътибор бермагани учун 1000 сўм;

«Алес» фирмаси директори Брейтман битумни очиқ ҳаводаги оловда эриттани учун 550 сўм;

Чилонзор туманидаги 12-автокорхона директори А. Шерматов ҳавони зарарли моддалар билан битум ёқиш оқибатида қаттиқ ифлослантиргани учун 1650 сўм;

«Агроқурилишмеханизатор» фирмасининг прораби З. Ҳакимов битумни очиқ ҳавода ёқиб ифлослантиргани учун 1650 сўм;

«Сиёвуш» шахсий фирмасининг бригадири А. Муҳитдинов ҳам худди шу қилмиши учун 550 сўм;

«Равшан» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош муҳандиси А. Айриев атроф-муҳитни қайта тиклашда зарур чора-тадбирларни кўрмагани учун 1650 сўм;

«Сабаржат» фирмасининг директори А. Файзиев ҳавони муҳофаза қилиш талабларини бажармагани учун 1650 сўм;

«Ресурс» ижарадаги корхона бошлиғи Р. Лем лак-бўёқли ишлаб чиқариш лойиҳасини давлат экологик экспертизасидан ўтказмагани учун 1100 сўм;

«Котласервис» техник маркази бошлиғи ўринбосари Ю. Сазонов экологик экспертизанинг ижобий хулосаси йўқлиги учун 1000 сўм;

«Маклис» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси директори В. Мақсудов шу йил июнь ойида совуқ сув ва иссиқ буғ бериш жойларидаги вентилларга қўйилган иккита пломбани ихтиёрий суратда олиб ташлагани учун 600 сўм жарима тўлайдиган бўлди.

Эътибор берган бўлсангиз юқорида санаб ўтилган корхоналар, тилга олинмаган кўпдан-кўп ташкилотлар, муассасалар ўз ишига лоқайдлик билан муносабатда бўлишгани учун жаримага тортилдилар.

Сўзимизнинг охирида шундай деймиз: «Марҳамат, шу сизга маъқул бўлса, тўлайверинг, жарима солиш биздан, уни тўлаш сиздан». Лекин бу билан табиат бағрини бойитишдек олижаноб мақсадларимизга етишимиз ниҳоятда мушкул.

*Наргиза ЁДГОРОВА,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси.*

